

## НИКОҲ ТҶҲИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРДА ИЖРО ЭТИЛАДИГАН ҚЎШИҚЛАР ҚЎШИҚЛАРНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қобилова Азиза Аҳроровна  
Шербекова Гавҳар Яхшибаевна  
Нуриддинова Меҳринисо Фатхиддиновна  
Жўраева Муҳаббат Амоновна  
БМТИ академик лицейи ўқитувчилари

**Аннотация:** Ушбу мақолада никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларда ижро этиладиган қўшиқларнинг бадиий хусусиятлари борасида сўз боради.

**Калит сўзлар:** “Гажак солиш”, “Соч ўриш”, “Жома пўшон”, “Рахт занон”, “Қош териш”, “Юз териш”, “Зулф қирқиш”.

Ўзбекистоннинг барча жойларида келин-куёв гулхан атрофидан айлантиради. Шам билан чимилдиққа олиб кирилади. Келин ёқилган чироқ билан куёв хонадонига узатиб қолинади. Тўй кечаси ҳеч вақт шам ёки машъала тоқ ёқилмайди, албатта, битта гугурт донаси билан жуфт ёқилади. Бу билан келин-куёвнинг тақдири бир қилинаётганига ишора қилинади. Акс ҳолда ёшлар тақдирида айрилиқ, ёлғизлик рўй бериши мумкин, деб қаралади.

Келин-куёвнинг ритуал кийинтирилиши ўдуми келиб чиқишига қадимги инсонларнинг либос магиясига ишончи асос бўлган. Қиз ва йигитларни никоҳлашдан олдин уларга оппоқ доқа сурпдан махсус оқ кўйлак тайёрланади. “Никоҳ кўйлаги”, “бахт кўйлаги” деб номланадиган бу либос ритуал моҳият касб этади. Уни бахтидан ёлчиган, кекса, ували-жували, бир никоҳли аёлга бичтирадилар ва тиктирадилар. Бу жараён номи “Бичон” деб аталади. Бахт кўйлагини тайёрлашда ҳам фотиҳа-олқишлар айтиб турилади. Ипнинг икки қават бўлишига, кети тугилмаслигига катта аҳамият қаратилади. Қиз ва йигитларнинг никоҳ кўйлаги оқ сурп матодан тикилади. Қизларга узун оқ кўйлак, йигитларга эса яктак-иштон кийдирилади. Йигитлар бошига салла ўраса, қизларнинг бошига оқ ҳарир, ғижим рўмол ташланади.

Келин-куёв кийими, аввало, оқ рангда бўлиши билан тез кўзга ташланади. Бу ранг келин-куёв кийимида ўзига хос рамзий маъноларни ташийдди. Умуман айтганда, никоҳ тўйи маросими табуларида рангларнинг рамзий моҳиятига алоҳида эътибор берилади.

Бухорода куёвларга тўн кийдириб, зардўзи ёки шойи, атлас белбоғ (чорси, рўпокча) билан боғлатадилар. Бошига дўппи ё салла кийдирадилар. Айрим ёр-ёрларда куёвнинг зар, банорас, шоҳи тўн эмас, оддий бўз тўн кийганини айтиш орқали унинг иқтисодий кам таъминлангани, камбағаллиги, ночорлигига ишора қилинади. Шундай бўлса-да, оҳу кўзли гўзал қиз уни танлаб, турмушга чиқаётгани, бахт кийим-кечак билан ўлчанмаслиги таъкидланади:

Күёв тўра кийимлари  
Фақат бўздир, ёр-ёр.  
Келин пошша кўзлари  
Оҳу кўздир, ёр-ёр.

Бухорода тўйдан ики-уч кун олдин келин бўлажак қизнинг қоши ва юзи терилади. “Қош териш” ва “Юз териш”, “Зулф қирқиш”, “Гажак солиш”, “Соч ўриш” каби бу удумларни ифодаловчи халқ қўшиқлари ҳам мавжуд. Улардан бирида шундай дейилади:

Сувни сулув кўрсатган,  
Тоши бўлар, ёр-ёр.  
Қизни сулув кўрсатган  
Қоши бўлар, ёр-ёр.

Қуйидаги қўшиқ келиннинг зулфини қирқиш, сочини ўриш жараёнида куйланиши кузатилади:

Қора анбар зулфларинг  
Товланади, ёр-ёр.  
Қора анбар сочларинг  
Солланади, ёр-ёр.

Бундай қўшиқларда, одатда, келинчакнинг “қора анбар зулфлари товланиши”, “сумбул каби зулфлари тўлғониши”, зулфи сиё, яъни қора экани, зулфи зарлиги таъриф-тавсиф қилинади.

Кўзига сурма чекса,  
Дури ягона бўлсин!  
Сочин тарар вақтида,  
Шона баҳона бўлсин!

Узатилаётган қизнинг сочини ўриш ҳам ўзига хос ритуал сифатида ташкил қилинган. Кўпинча келинчакларнинг сочи қирқ ўрим қилиб ўрилиб, учига жамалак ёки сочбоғ тақилган.

Худди сув каби олов ҳам инсон руҳини ўзга оламга кўчириш воситаларидан бири саналади. Ҳозиргача келиннинг йўлига ўт ёқиб, кутиб олинади. Бу билан келиннинг инсу жинслардан покланиши назарда тутилади. Оловга сиғиниш удумининг қолдиғи сифатида сақланиб келаётган бу одатга ишора ёр-ёрларда шундай талқин топган:

Дока кўйлак ичинда,  
Тут қоқайлик, ёр-ёр.  
Келинчакнинг йўлида,  
Ўт ёқайлик, ёр-ёр.

Ушбу ёр-ёрнинг дастлабки мисраси ҳам шунчаки яратилмаган. Унинг қатида ҳам муайян воқеликка ишора яширинган. “Тутнинг меваси” ҳақидаги бир афсонада айтилишича, тут дарахти бир камбағал кишининг никоҳ тўйи бўлаётган куни худонинг амри билан ердан кўкариб чиқиб, мева тугиб, ўша куниёқ пишган эмиш. Бу

мўъжизани кўриб ҳайрон бўлган одамлар ўша тутни қоқиб, меваси билан меҳмонларни сийлаб, тўйни ўтказишган эканлар. Шунинг учун тутни меваларнинг султони деб аташар экан.

Демак, келин тушиб келганда, унинг эгнида “оқ дока кўйлак” бўлиши, унинг энгига тут меваси ёки унинг майизидан солиб қўйиш, бу билан келин-куёвга серфарзандлик, узоқ умр, қут-барака, шоҳона ҳаёт тилаш истаги ифода этилган.

Ўтмишда камбағал куёв иқтисодий имкониятларининг чекланганлиги мана шу удумни амалга ошириш учун унинг нимча майиз тополмай, хижолат тортиши мотиви асосида очиб берилган мисралар мавжуд:

Нимча майиз тополмай,

Ерга боқар, ёр-ёр.

Нимча майиз саккиз пул

Олсанг нетар, ёр-ёр.

Келинларга, одатда, оқ дока кўйлак устидан атлас нимча, унинг устидан паранжи кийдирилади. Шунинг учун айрим ёр-ёрларда бевосита келиннинг паранжига ўралиб келиши ҳақида гап боради:

Паранжига ўралмаса,

Ким кўради, ёр-ёр.

Унинг ойдаи жамолига

Ким тўяди, ёр-ёр!

Келин паранжига ўралиб, маҳси-ковуш кийдирилган ҳолда куёвникига жўнатилади. Кийдирилган маҳсини фақат куёв ечиши лозим саналади.

Ғирчиллаган келинчакнинг

Маҳсисими, ёр-ёр.

Янгасининг минғиллаган

Товушими, ёр-ёр.

Келинчакнинг юзига ҳарир, ғижими рўмол тортилади. Шунинг учун ёр-ёр матнларида бунга алоҳида эътибор тортилади:

Рўмолингиз ғижимларин

Ел ўйнатар, ёр-ёр.

Ширин-шакар сўзларингиз

Меҳр уйғотар, ёр-ёр.

Тўй бошланишидан олдин, аввало, узоқ-яқин қариндошларга хабар қилинади. Қўшниларга билдирилади. Дастлаб қизнинг хонадонида “Қизлар давраси”, “Қизлар базми”, “Қиз йиғин”, “Қизгаштак” сингари тадбирлар ташкил қилинади. Унинг никоҳ тўйи маросими таркибида ўз ўрни бор. Бу маросимда қизнинг яқин дугоналари йиғилиб, лапархонлик қилишади. Бундай лапарларда қизнинг тақдири ўз яқинларини тарк этишга мўлжаллангани, қизларнинг қисмати шундай белгилангани алоҳида таъкидланади. У билан боғлиқ қўшиқларнинг бирида шундай сатрлар учрайди:

Тўйда қизлар ўйнашиб,  
Кўнгли тўлсин, ёр-ёр.  
Бу замоннинг қизлари  
Бахтли бўлсин, ёр-ёр.

Бухоро никоҳ тўйи маросимига алоқадор қўшиқлар таркибида “Дейди-ё”, “Дугона, дугона дейман”, “Қимматой дерлар уни”, “Шоҳ духтар, шакар духтар” лапарлари кенг ижро қилинади.

Халқимиз одатига кўра, қизлар ва йигитлар балоғат ёшига етгач, турмуш қуришлари учун шароит яратилади. Чунки инсонийликнинг асосий моҳияти ўзидан насл қолдириш тушунчаси билан боғлиқ. Одатимизга кўра, қизни аёл қариндошлар куёвниқига узатиб боришади. Эркаклар, қизнинг ота-онаси бориши тақиқланади. Узатилаётган қиз билан ҳамма яқинлари хайрлашади. Келин узатилаётганида яқинлари унга ташланиб, йиғи қиладилар. Уларни баъзан куч билан ажратиб оладилар. Сўнгра қизни маълум жойгача кузатиб қўядилар. Кузатиш маросимлари эса турли даврларда турлича кўринишда кечган. Ижтимоий-тарихий тараққиётга қараб, улар турли ўзгаришларга учраган. Қизнинг куёв хонадонига қандай бориши (пиёдами, бирор улоқдами) нимада кетиши, ким ёки нима бориши масаласи халқнинг доимий эътиборида бўлган. Ўтмишда қизни укаси етаклаган от-уловда куёвниқига узатишган.

Кўпинча келин ўз дастурхони билан кетади. Унинг дастурхонида нон, патир, қатлама, ширинликлар, тўйда сўйилган молнинг қайнатиб пиширилган юраги, тухум, қанд-қурслар бўлади.

Хуллас, никоҳ тўйида келин-куёвнинг кийими бу маросимнинг асосий белгиларидан биридир. Айниқса, уларнинг ранглари ибтидоий инсоннинг дунё тўғрисидаги қадимий тушунча-тасаввурларига биноан танланган. Қизил ва оқ тусдаги кийимлар келинларга хосдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Турдимов Ш. Лирик қўшиқларда рамз. – Тошкент: Фан, 2020.
2. Мирзаев Т. Ўзбек фольклорида лапар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 1-сон.
3. Бухор элда гул ҳ сайли. Тўплаб нашрга тайёрловчилар Д.Ўраева ва Д. Ражабов. – Т.: Мухаррир, 2010.
4. Yakhshibaevna S. G. Artistic Expression of Bukhara Wedding Customs in Ceremonial Songs //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE.-2021. T. 2. No. 10.-С. 141-145.
5. Yakhshibaevna S. G. Some Features of the Language of Bukhara Wedding Songs #CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. 2021. T. 2. N. 10. С. 146-151.

6. Шербекова Г. Я. БУХОРО Никох ТУЙИ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ТЎПЛАНИШИ ВА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР Scientific progress, 2022. Т. 3.-N. 2. -С. 251-256.

7. Sherbekova G. ARTISTIC REFLECTION OF THE REGIONAL FLORA FAUNA IN BUKHARA WEDDING SONGS //НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, АКТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ. 2021. С. 127-129.